

Хоин ким?



09:06 / 05.10.2020 3990

Бир подшоҳнинг жангда ишлатадиган ҳарбий сирлари душманга маълум бўлиб қолиб, ўйлаган режаси барбод бўлибди. Шунда подшоҳ маслаҳатчиларидан бирига: «Энди ҳарбий режаларимизни қаттиқ сир тутмасак бўлмайди. Ичимиздан кимдир сирларимни душманга етказяпти. Лекин кимлигини билолмаяпман. Покдомон одамни хоин деб ўйлаб, жазолаб қўйишдан қўрқяпман», деди. Шунда маслаҳатчи бир котиб чақириб, гўёки давлат сирини деб, бир неча ёлғон хабарларни ёздирди. Кейин подшоҳнинг сирини сотишда гумон қилинганларни битта-биттадан чақиришди. Кейин маслаҳатчи подшоҳга: «Бу хабарларни гўё давлат сирининг сифатида уларнинг ҳар бирига алоҳида айтинг. Ҳар бирига алоҳида хабар айтасиз. Бириники бошқасиникига айтмайсиз. Кейин айтилган бу махфий хабарни ҳеч кимга айтмасликни буюринг. Биз эса ҳар бир хабар эгасининг исмини ёзиб қўямиз. Кейин душман томонда қайси хабар ошкор бўлса,

хоин кимлиги маълум бўлади», деди. Ҳеч қанча муддат ўтмай, душман томонда бир неча хабар тарқалиб, хоинлар кимлиги аниқланди. Подшоҳ сотқин кимлигини билиб, уни жазолади.

«Солиҳлар гулшани» китобидан